

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари

А.Иноятов

2021 йил « 06 »

УРОЛОГИЯ

мутахассислиги бўйича клиник ординатор (резидент)ни
тайёрлаш

ЎҚУВ (МОДУЛ) ДАСТУРИ


Билим соҳаси:

Соғлиқни сақлаш

Мутахассислик:

Урология

ТОШКЕНТ 2021



Тузувчилар:

- Гайбуллаев А.А. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Урология ва андрология кафедраси мудир. Тиббиёт фанлари доктори, профессор.
- Дадабаев А.К. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Урология ва андрология кафедраси доценти. Тиббиёт фанлари номзоди.
- Кучкаров А.К. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Урология ва андрология кафедраси ассистенти.
- Бердибаев Т.М. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Урология ва андрология кафедраси ассистенти.

Такризчилар:

- Худойбергганов У.А. Тошкент тиббиёт академияси, Урология кафедраси доценти, тиббиёт фанлари доктори.
- Саатов.Р.Р. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Хирургия ва болалар хирургияси кафедраси доценти, тиббиёт фанлар номзоди.

Ўқув (модул) дастури Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида ишлаб чиқилган.

Ўқув (модул) дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 6 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган.

1. Мутахассисликни долзарблиги ва аҳамияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўрни.

Клиник ординатура (резидентура) – дипломдан кейинги таълим тизими билан боғлиқ бўлган таълим, шифокорларнинг узлуксиз касбий таълим тизимининг таркибий қисмидир. Урология мутахассислигидан клиник ординатура (резидентура) - тиббиёт олий таълим муассасалари битирувчилари учун дипломдан кейинги ўқишни бир шакли бўлиб, ундан кейин шифокорга Уролог малакаси берилади. Уролог- тиббиёт олий ўқув даргоҳини тугатгандан сўнг Урология мутахассислиги бўйича клиник ординатура (резидентура) ўтган, юқори малакали ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсата оладиган ҳамда доимий профилактика чора-тадбирларини ўтказадиган мутахассисдир.

Намунавий дастур Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590 сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310 сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666 сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорларида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида, кредит-модулли таълим жараёнига ўтиш муносабати билан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги 209-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта махсус касб хунар таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи асосида ишлаб чиқилган. Клиник ординатура (резидентура)ни битирган мутахассис барча замонавий тиббий муаммоларни ечимида малакали ёрдам кўрсата олиши керак, ҳар хил инфекцион касалликларда (ОИТС, COVID-2019 ва бошқалар) урологик касаллиги бўлган беморларға таъсирини ва уларда асоратларини олдини олиш, касалланган беморларни олиб бориш тактикаси, аҳоли орасида оммавий тушунтириш ишларни олиб боришни билиши шарт.

Урологик касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси тиббиётнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу ўқув дастур кундузги таълим шаклидаги 2 ўқув йилига мўлжалланган ва кредит-модул тизими асосида

тузилган. Дастурда мутахассис-урологни аҳолига урологик ёрдамни ташкиллаштириши, мустақил ва самарали фаолият юритиши учун барча тегишли назарий билим, кўникма ва компетенцияларни эгаллаш учун етарли ҳажмдаги вазифалар ўз аксини топган.

Юқори малакали шифокор-урологларни клиник ординатура (резидент) орқали тайёрлаш соғлиқни сақлаш муассасаларининг турли босқичларини (поликлиника, ҚВП, госпитал ва ихтисослашган марказлар) аҳолига юқори сифатли ёрдам кўрсатадиган кадрлар билан таъминлаш имконини беради.

2. Ўқув (модул) дастурининг мақсади ва вазифалари

2.1. Ўқув (модул) дастурининг мақсади - клиник ординатура (резидентура)да керакли ҳажмдаги замонавий билимга, маҳоратга, амалий кўникма ва компетенцияларга эга бўлган юқори малакали уролог мутахассисларни икки ўқув йили давомида тайёрлаш ва уларни соғлиқни сақлаш муассасаларида (идора/ташкilotларда) мустақил мутахассис сифатида ишлашга тайёрлигини шакллантириш.

2.2. Ўқув (модул) дастурининг вазифалари:

- Тиббиётнинг турли босқичидаги муассасаларида фаолият олиб боришда урологик беморларда кўрик ўтказиш, ташхислаш, даволаш ва профилактикасини ўтказишга ўргатиш;
- касаллик тарихи, амбулатор карталар ва бошқа тиббий хужжатларни урологик касалликларда ўзига хос тўлдиришга ўргатиш;
- урологиянинг сўнги ютуқлари ва тиббиётнинг замонавий технологиялари асосларини билувчи, сийдик-таносил аъзолари касалликлари ҳамда уларнинг асоратларининг диагностикаси, даволаш ва профилактикасини олиб борувчи юқори малакали мутахассис тайёрлаш;
- энг куп тарқалган урологик касалликларни учраш сонини камайитиришга қаратилган профилактик тадбирларини амалга ошириш малакаларини ривожлантириш;
- урологик касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси янги технологияларини излаш ва ишлаб чиқиш, ўтказилган илмий текшириш натижаларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва амалиётга татбиқ қилиш малакаларини ривожлантириш;
- медицина олий укув юртлари урология кафедраларида ёки курсларида педагогик малакаларини ривожлантириш;
- урологик касалликлари билан оғриётган ёки бошидан ўтказган беморларни ижтимоий реабилитацияси ва ҳаёт шарт-шароитларини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш малакаларини ривожлантириш;
- урологик касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси, янги технологиялар буйича тематик цикллар, услубий семинарлар ва мутахассис шифокорлар билан консультация тайёрлаш ва ўтказиш малакаларини ривожлантириш;

- ташкилотлар ва таркибий бўлинмалар фаолиятини таҳлил қилиш ва уларнинг ишини оқилона режалаштириш учун соғлиқни сақлашни ташкил этиш. Соғлиқни сақлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий масалалари бўйича асосий билимларга эга бўлиш;
- тиббий амалиётда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш.
- соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишдан иборат.

2.3. Мутахассисдан кутилаётган натижалар:

- Соғлиқни сақлаш соҳасида Давлат сиёсати ва унинг амалга оширилишида барча бошқарув органларининг масъулияти ҳақида;
- Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ривожланиш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, асосий йўналишлари, стандартлари, истиқболлари) ҳақида;
- соғлиқни сақлаш тизими ва уларда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида;
- тиббиётнинг замонавий муаммолари ва ривожланишининг магистрал йўналишлари, урологик касалликлар диагностикаси ва даволашда янги технологиялари ҳақида;
- Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш органларининг урологик хизматига тегишли буйруқ ва норматив ҳужжатлар тўғрисида;
- тиббий этика ва деонтология асослари ҳақида;
- врач, бемор, ўрта ва кичик тиббиёт ходими ўртасидаги муносабатларнинг асоси ҳақида;
- амалиётда тиббий деонтология талаблари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**
- буйрак ва сийдик йуллари функционал анатомиясини;
- буйрак ва сийдик йуллари вегетатив ва соматиннервациясини;
- урологик касалликларини симптоматикасини;
- буйраклар, юқори ва пастки сийдик йўллари инфекцион – яллиғланиш касалликлари (сийдик-таносил сили ҳам) ва уларнинг асоратларини, уларнинг этиологияси, патогенези, клиник намоён бўлиши, замонавий ташхислаш усуллари, даволаш ва олдини олиш йўллари;
- сийдик тош касаллиги, унинг эпидемиологияси, этиологияси, патогенези, клиник намоён бўлиши, замонавий ташхислаш усуллари, даволаш ва олдини олиш (профилактика ва метофилактика) йўллари;
- сийдик йўллари симптомларини уродинамик баҳолашни;
- простата беши ҳавфсиз гиперплазияси ва ракини, уларнинг этиологияси, патогенези, клиник кўриниши, замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари

ва профилактикасини;

- буйрак ўсмаларини (паренхимаси ва жомининг), қовуқ, мойк ва олат ўсмаларини, уларнинг этиологияси, патогенези, клиник кўриниши, замоний ташхислаш ва даволаш усуллари ва профилактикасини;
- сийдик қопи анатомияси, физиологияси, сийдик чикаришнинг функцияси ва дисфункциясининг молекуляр ва неёроген аспектларини;
- болалар ва катталарда ташхис ва даволашнинг замонавий усуллари;
- сийдик тутуаолмасликни, ташхис ва даволашнинг замонавий усуллари;
- буйрак (кистоз касаллиги), сийдик найи, сийдик қопи, уретра ривожланиш аномалияларини, этиологиясини, клиникасини, даволаш ва ташхислашнинг замонавий усуллари;
- буйраклар, сийдик найлари, қовуқ, уретра, ёрғоқ аъзолари жароҳатлари ва уларнинг асоратларини (хусусан, уретра стриктурасини), уларнинг этиологияси, клиник кўриниши, замоний ташхислаш ва даволаш усуллари;
- ўткир буйрак етишмовчилиги, гемодиализ ва қонни экстракорпорал тозалашнинг бошқа усуллари;
- сурункали буйрак етишмовчилигини;
- симптоматик артериал гипертонияни;
- гидронефрознинг, уретерогидронефрозни, гидрокаликсни ва уларнинг этиологиясини, клиникасини, замонавий ташхис ва даволаш усуллари;
- сийдик – таносил аъзоларини оқмаларини ва уларнинг этиологиясини, клиникасини, замонавий ташхис ва даволаш усуллари;
- хомиладорлик билан боғлиқ бўлган муаммолар ва уларнинг замонавий ташхисини ва даволашни;
- урологик касалликларни физикал усуллари билан текшириш;
- урологик касалликларни лаборатор, инструментал усуллари билан текшириш, клиник, биохимик, бактериологик, радиоиммун ва бошқа текширувлар;
- урологик касалликларни ультра товуш текшируви, экстра ва интракорпорал сканирлашнинг барча усуллари;
- урологик касалликларни рентген ва радиологик текширувлар, стандарт текширувлар, КТ, МСКТ ва ЯМР текширувлар натижаларини интерпретация қилиш;
- урологик касалликларни уродинамик усуллари билан текширув ва улар натижаларини таҳлил қила билиш;

- цистоуретроскопия, уретероскопия ва нефроскопия текширувларини ўтказишни **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- КТ, МСКТ ва ЯМРни натижаларини интерпретация қилиш;
- урофлоуметрияни, цистоманометрияни, уретрадаги босим профилини ва «давление-поток» текширувларни, Witaker тестини интерпретация қилиш;
- ўткир пиелонефрит, простатит, уретрит ва везикулитларнинг йирингли асоратларида жаррохлик усуллари бажариши;
- сийдик тош касаллиги бор беморларда жаррохлик усуллари бажариш;
- инфравезикал обструкцияни коррекцияловчи жаррохлик муолажаларини бажаришни;
- сийдик йўллари ўсмалари бўлган ҳолларда жаррохлик муолажаларини бажаришини;
- таносил аъзоларининг туғма нуқсонларини коррекцияловчи жаррохлик муолажаларини бажаришни;
- сийдик йўллари жароҳатларида жаррохлик муолажаларини бажаришни;
- режали гемодиализ ўтказиш мақсадида артерио-веноз анастамозни шакллантиришни;
- хомиладорлик билан боғлиқ бўлган муаммоларда: уретерогидронефроз, сийдик йули инфекциясида даво тавсия қилиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари, ташкил этиши

бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

| № | 1- ўқув йили маъруза машғулотлари мавзулари | Соат/кредит |
|----------|---|--------------------|
| 1 | Сийдик йўллари анатомияси | 2 |
| 2 | Урологик касалликлар семиотика. | 2 |
| 3 | Буйрак ва юкори сийдик йуллари инфекцияси. | 2 |
| 4 | Пасти сийдик йўллари ва эркаклар жинсий азолари ифекцияси (простатитдан ташқари). | 2 |
| 5 | Простатитлар (этиопатогенези, классификацияси, ташхиси ва давоси). | 2 |
| 6 | Сийдик тош касаллиги ва унинг ёшга оид хусусиятлари (этиопатогенези, классификацияси, | 2 |

| | | |
|----|--|---------------|
| | давоси ва ташхиси). | |
| 7 | Сийдик тош касаллиги ва унинг ёшга оид хусусиятлари (метафилактика ва профилактикаси). | 2 |
| 8 | Простата беши хафсиз гиперплазияси (этиопатогенези, ташхиси ва давоси). | 4 |
| | Жами 1-йил | 18/0,5 |
| | 2- ўқув йили маъруза машғулоти мавзулари | |
| 9 | Пастки сийдик йўллари симптомлари | 2 |
| 10 | Гиперактив қовуқ (этиопатогенези, классификацияси, ташхиси ва давоси). | 2 |
| 11 | Сийдик тутаолмаслик (этиопатогенези, классификацияси, диагностикаси ва давоси). | 2 |
| 12 | Сийдик йуллари ва жинсий аъзолар ривожланиш аномалиялари. | 2 |
| 13 | Буйрак жароҳатлари. | 2 |
| 14 | Сийдик найи жароҳатлари. | 2 |
| 15 | Қовуқ ва сийдик чиқариш канали жароҳатлари | 2 |
| 16 | Эркаклар жинсий аъзолари жароҳатлари. | 2 |
| 17 | Эректил дисфункция ва эркаклик бепуштлиги. | 2 |
| | Жами 2-йил | 18/0,5 |
| | Жами | 36/1,0 |

Маъруза машғулоти мультимедияли кўрсатмалар (презентация, видеофильм, видеоролик ва ҳ.к) билан таъминланиши шарт. Маъруза ўтказиладиган аудитория мультимедия қурилмалари билан жиҳозланган бўлиб, клиник ординатор (резидент)ларга барча шарт-шароитлар яратилган бўлиши шарт. Маърузаларда мавзуга боғлиқ замонавий ва исботланган тиббиётга асосланган маълумотлар келтирилиши мақсадга мувофиқ.

3.2. Модулдаги семинар ва амалий машғулотларнинг мавзулари, ҳар бир мавзу бўйича ўқув юкларининг ҳажми, ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

| № | Модул ва амалий (семинар) машғулотларнинг мавзулари | Соат/кредит |
|-------------------------------|---|-------------|
| 2.1. | Урология | 4270/118,6 |
| 2.1. 1 модул | Буйрак ва юқори сийдик йўллари клиник анатомияси ва физиологияси. | |
| 1.1 | Буйраклар скелетотопияси, синтопияси, буйраклар клиник анатомияси. | |
| 1.2 | Буйраклар косачалари, буйраклар жомлари, сийдик найлари клиник анатомияси. | |
| 1.3 | Буйраклар физиологияси. | |
| 1.4 | Буйраклар косачалари, буйраклар жомлари, сийдик найлари физиологияси. | |
| 2.1. 2 модул | Пастки сийдик йўллари, эркаклар жинсий аъзолари клиник анатомияси ва физиологияси. | |
| 2.1 | Қовуқ клиник анатомияси ва физиологияси. | |
| 2.2 | Простата бези ва уруғ пуфакчалари клиник анатомияси ва физиологияси. | |
| 2.3 | Мояклар клиник анатомияси, физиологияси ва гормонал регуляцияси. | |
| 2.4 | Жинсий олат анатомияси ва физиологияси | |
| 2.1. 3 модул | Урологик касалликлар семиотикаси | |
| 3.1 | Сийдик миқдорий ва сифат ўзгаришлари | |
| 3.2 | Анурия классификацияси, ташхислаш ва шошилиш ёрдам кўрсатиш тамоиллари | |
| 3.3 | Урологияда оғриқ синдроми. | |
| 3.4 | Сийдик йўлларида ва жинсий аъзолардан патологик ажралмалар. | |
| 3.5 | Симптоматик гипертония. | |
| 2.1. 4 модул | Лаборатор ва инструментал ташхислаш усуллари | |
| 4.1 | Лаборатор ташхислаш усуллари. | |
| 4.2 | Ултратовуш ташхислаш усуллари. | |
| 4.3 | Рентгенологик ташхислаш усуллари, МСКТ, МРТ. | |
| 4.4 | Радиологиик ташхислаш усуллари | |
| 4.5 | Уродинамик текшириш усуллари. | |
| 2.1. 5 модул | Сийдик йўллари инфекцияси. | |
| 5.1 | Сийдик йўллари инфекцияси этиопатогенези, классификацияси, асоратланган ва асоратланмаган | |

| | | |
|--------------------------|---|--|
| | сийдик йўллари инфекцияси. Юқори сийдик йўллари инфекцияси. | |
| 5.2 | Пасти сийдик йўллари ва эркаклар жинсий азолари ифекцияси. Простатитлар ва ёндош касалликлар. | |
| 5.3 | Сийдик йўллари туберкулези. | |
| 5.4 | Сепсис ва унинг сийдик йўлларида анатомик ва функционал ўзгаришлар бўлгандаги ўзига хос томонлари. | |
| 5.5 | Жинсий йўл билан юкадиган касалликлар. | |
| 2.1. 6 модуль | Сийдик тош касаллиги. | |
| 6.1 | Сийдик тош касаллиги этиопатогенези, классификацияси, замонавий ташхислаш усуллари. | |
| 6.2 | Сийдик тош касаллиги клиникаси ва асоратлари | |
| 6.3 | Сийдик тош касаллигини консерватив ва оператив даволаш усуллари (ананавий, перкутан, трансуретрал, ЭУВЛ) | |
| 6.4 | Сийдик тош касаллиги профилактикаси ва метафилактикаси | |
| 2.1. 7 модуль | Пастки сийдик йўллари исимптомлари. | |
| 7.1 | Пастки сийдик йўллари симптомлари атамаси, ирритатив ва обструктив симптомлар. Гиперактив қовуқ ташхислаш ва даволашнинг замонавий тамоиллари | |
| 7.2 | Сийдик тута олмаслик. Императив сийдик тута олмаслик диагностикаси ва давосининг замонавий аспектлари | |
| 7.3 | Зўриқишдаги сийдик тута олмаслик диагностикаси ва давосининг замонавий аспектлари | |
| 7.4 | Простата беши хавсиз гипералазияси диагностикаси, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари. | |
| 2.1. 8 модуль | Буйраклар ва сийдик йўллари ўсмалари | |
| 8.1 | Буйралар ўсмалари ва кистоз хосилаларини замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари. | |
| 8.2 | Буйрак жомлари ўсмалари замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари. | |
| 8.3 | Қовуқ ўсмалари замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари. | |
| 8.4 | Поростата ўсмаси замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари. | |

| | | |
|--------------------------|---|---------------|
| 8.5 | Жинсий олат ва мойк ўсмалари ва унинг ёшга оид жихатлари. | |
| 2.1. 9 модул | Буйраклар ва сийдик йўллари ривожланиш нуқсонлари | |
| 9.1 | Буйрак ривожланиш аномалиялари (сон ва жойлашиши). | |
| 9.2 | Сийдик найлари аномалиялари | |
| 9.3 | Қовуқ аномалиялари | |
| 9.4 | Уретра аномалиялари (эпи ва гипоспадиялар) | |
| 9.5 | Эркаклар жинсий аъзолари аномалиялари. | |
| 2.1. 10 модул | Буйраклар, сийдик йўллари ва эркаклар жинсий аъзолари жароҳатлари. | |
| 10.1 | Буйрак ва сийдик найлари жароҳатларини замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари. | |
| 10.2 | Қовуқ, уретра ва эркалар жинсий аъзоси жароҳатлари. | |
| 10.3 | Уретра торайиши касалликлари. | |
| 10.4 | Сийдик йўллари оқмалари. | |
| 2.1. 11 модул | Андрология | |
| 11.1 | Эректил дисфункция классификацияси, замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари. | |
| 11.2 | Эркаклар бепуштлиги замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари. | |
| 3. | Ёндош мутахассислик модуллар | 216/6 |
| 3.1 | Нефрология | 108/3 |
| 3.2 | Болалар хирургияси | 108/3 |
| 1. | Умумметодологик ва номутахассис ёндош тиббий модуллар | 54/1,5 |
| 1.1. | Валеология | 27/0,75 |
| 1.2. | Клиник фармакология | 27/0,75 |

Амалий машғулотлар мультимедия қурилмалари билан жихозланган аудиторияда клиник ординатор (резидент)лар учун профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади.

Машғулотларга тайёрланиш учун клиник ординатор (резидент)ларга мавзуга боғлиқ замонавий ва исботланган тиббиётга асосланган маълумотларни олиш учун ўқув адабиёт ва интернет манбалари педагог томонидан берилиши мақсадга мувофиқ, ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари ва услублари кўрсатилади.

Машғулотдан олдин педагог клиник ординатор (резидент)ларга машғулотни мақсадини аниқлаб берилади, машғулот вақтида инновацион

педагогик технологиялар қўлланилади. Мавзу бўйича клиник ҳолатларни ўзлаштириш учун вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар, кейслар ечиш, органайзерлар тузиш, диагностика ва даволаш протоколларини (алгоритмларни) ўрганиш ва такомиллаштириш, касаллик тарихини таҳлил қилиш, презентация тайёрлаш ва бошқа турдаги ишларни амалга ошириш мумкин. Эгаллаган билимларни намоиш этиш учун тест синовларини ҳам ўтказиш мумкин.

Машғулот якунида ҳар бир клиник ординатор (резидент) тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланади.

3.3. Мутахассис ўзлаштириши лозим бўлган амалий кўникмалар рўйхати:

| № | Амалий кўникмалар номи |
|----|---|
| 1 | Ўткир циститли беморларда шикояти ва анамнези, лаборатор ва инструментал текширув натижаларини интерпретация қилиш. |
| 2 | Ўткир пиелонефритли беморлар шикояти ва анамнези, ультратовуш текшируви (УТТ), ренгенолгик текшируви, клиник-биохимия таҳлилларни интерпретация қилиш. |
| 3 | Бармоқ билан простата безини ректал текширувини (DRE) амалда бажариш. |
| 4 | Ўткир бактериал простатитли беморлар шикояти ва анамнези, УТТ, сийдик таҳлили ва бармоқ билан простата безини ректал текшируви (DRE) натижаларини интерпретация қилиш. |
| 5 | Эректил дисфункцияли беморларда эректил функция халқаро индекси (ЭФХИ-5) (МИЭФ-5) саволномасини интерпретация қилиш. |
| 6 | Пастки сийдик йўлари симптомлари бўлган беморларда IPSS ва BS (QoL) саволномаси орқали маълумотларни йиғиш, обструктив ва ирритатив симптомларини интерпретация қилиш. |
| 7 | Сурункали буйрак етишмаслиги (СБЕ) бўлган беморларда клиник-биохимия таҳлилларини интерпретация қилиш. |
| 8 | Хомиладор аёлларда буйрак ва сийдик йўллари УТТ натижаларини интерпретация қилиш. |
| 9 | Буйрақлар, юқори ва пастки сийдик йўллари ультратовуш текширвини (УТТ) мустақил равишда ўтказиш ва суправезикал ҳамда инфравезикал обструкцияси бўлган ўткир ҳолатларни аниқлай олиш. |
| 10 | Сийдик-тош касаллиги (СТК) бўлган беморларни текшириш ва олиб бориш (клиник-биохимия, МСКТ (СТ) таҳлилларини интерпретация |

| | |
|----|--|
| | қилиш, жаррохлик йўли билан даволаш тактикаларини танлаш. |
| 11 | STAMEY-MEARES локализацион синамасини амалда бажариш. |
| 12 | Урофлоуметрияни амалга ошириш ва олинган маълумотларни интерпретация қилиш. |
| 13 | Уретроцистографияни амалга ошириш ва олинган маълумотларни интерпретация қилиш (юқорига йўналтирилган ва микцион). |
| 14 | Сийдик чиқариш тизими жароҳатларида ноконтраст ва контрастли МСКТ (СТ) текширув натижаларини интерпретация қилиш. |
| 15 | Юқори ва пастки сийдик йўллари аномалияларида МСКТ (СТ) ва МРТ (MRI) текширув натижаларини интерпретация қилиш. |
| 16 | Сийдик қопини уретра орқали найчалаш (катетерлаш) (диагностика ва даволаш мақсадида). |
| 17 | Антеград пиелоуретерографияни амалга ошириш. |
| 18 | Вена орқали урографияни амалга ошириш ва унинг натижасини интерпретация қилиш. |
| 19 | Уретроцистоскопияни амалга ошириш. |
| 20 | Цистостомик дренаж найчани алмаштириш. |
| 21 | Нефростома дренаж найчани алмаштириш. |
| 22 | Меатотомия операцияси. |
| 23 | Чов канали орқали уруғ тизимча венасини бойлаш (Варикоцеле хасталигида) |
| 24 | Бергман операцияси |
| 25 | Винкельман операцияси |
| 26 | Эпицистостомия операцияси. |
| 27 | Эпицистолитостомия операцияси. |
| 28 | Орхиэктомия операцияси. |
| 29 | ПК цистостомия операцияси. |
| 30 | ПК Нефростомия операцияси (2-3 даражали гидронефрозда). |

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқган ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабалар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намоиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни кадамма-кадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намоиш этилади, алгоритм асосида босқичма босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Бирламчи мақсадли мутахасисга тингловчи амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенларда, клиник ординаторлар ўзаро бир-бирида кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларини алоҳида, кегин умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг беморда қўллашга руҳсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар кадамма-кадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенлар, имитаторлар, асбоб анжомлар бўлиши лозим ва керакли шарт шароитлар (максимал даражада иш шароитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намоиш этилиши, критик муҳокама қилиниши мумкин. Клиник ординатор, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа клиник ординаторларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладиги, бунда бошқа клиник ординаторлар эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган клиник ординаторнинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирилганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма автоматизм даражигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда клиник ординатор ўзлаштирилган билим ва амалий

кўникмани турли ҳил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилиш ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалар ва тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, ўргатувчи касаллик тарихлари ва амбулатор карталар ва х.к. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа клиник ординатор нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган клиник ординаторни амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – ҳулоса. Бу босқичда педагог клиник ординатор томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли ҳил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун бирламчи мақсадли мутахасисга тингловчи бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, касаллик тарихини ёзиб химоя қилганда баҳоланади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир клиник ординаторнинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Бирламчи мақсадли мутахасисга тингловчи амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Клиник ординатор барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда фанни ўзлаштирган ҳисобланади.

4. Мустақил таълим ва мустақил ишни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар

4.1. Мустақил таълим учун мавзулар рўйхати

1. ПБХГ ташхисли беморларни детрузорнинг функционал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда даволаш тактикаси.

2. Трансвезикал аденомэктомияда турли гемостаз услубларини қиёсий баҳолаш.

3. Барвақт эякуляцияни диагностикасига дифференциал ёндашув.

4. Сийдик йўллари аномалисида гидронефрозни оператив даволашга замонавий технологиялар ёрдамида ёндашув.

5. ПҚНЛТ га тайёрланаётган беморларда сийдик бактериологик текширувини клиник ахамияти.

6. ПҚНЛТ дан кейин резидуал тошлар бўлган беморларга тактик ёндашув.

7. Уретропластика операцияларидан кейин эркак беморларда эректил функцияни баҳолаш.

8. Тақасимон буйракли беморларда СТК ни хирургик даволашнинг турлари ва тактик ёндашув.

9. Урологик касалликларда УТТ текшируви хулосалари интерпретацияси.

10. Локализацион тестлар.

11. Урологияда рентген текширув усуллари

12. Цистоскопия

13. Буйрақлар фаолиятини аниқлаш усуллари

14. Сийдик йўллари инфекцияси. Асоратланган ва асоратланмаган инфекциялар, пиелонефритлар, циститлар, уретрит, простатит, везикулит, эпидидимит, орхит. Хомиладорларда сийдик йўллари инфекцияси.

15. Сийдик тош касаллиги. Диагностикаси, даволаш, замонавий каминвазив оперциялар.

16. Простата беги хавфсиз гиперплазияси. Диагностикаси, даволаш, замонавий каминвазив оперциялар.

17. Сийдик тута олмаслик. Императив сийдик тута олмаслик диагностикаси ва даволаш. Зўриқишдаги сийдик тута олмаслик диагностикаси, даволаш, замонавий каминвазив оперциялар.

18. Простата беги ўсмасини диагностикаси ва даволаш.

4.2. Тавия этилаётган мустақил иш турлари, шакллари:

Мустақил иш куйидаги иш турлари ва шаклларда олиб борилади:

- амалий кўникмаларни тренажёр, муляж ҳамда симуляцион ҳоналарда (марказларда)сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш кундалигида акс эттириш;
- клиник базаларда навбатчи шифокор билан биргаликда қўшимча тунги навбатчилик туриш ва унинг назоратида амалий кўникмаларни сон ва сифат жиҳатдан бажариш, навбатчилик дафтарларида акс эттириш;
- профилактик кўрикларда, тиббий кўрикларда ва беморларнинг патронажида мустақил иштирок этиш;
- аҳоли ўртасида тиббий санитария-маърифий ишларни мустақил равишда олиб бориш;
- компьютер дастурларида ишлаш;
- адабиёт билан мустақил ишлаш орқали баъзи билимларни ўзлаштириш;

- мавзу бўйича реферат ва презентация тайёрлаш;
- тезис ва мақолалар тайёрлаш;
- график органайзерларни ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
- кроссвордлар тузиш ва ечиш;
- презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш;
- кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш ва ҳ.к.

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Модул бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Клиник ординатор (резидент)ларни мустақил ишини ташкил этиш учун тренажер, муляж ва симуляцион зал/марказлар ташкил қилинган бўлиши зарур. У ерда амалий кўникмаларни сон ва сифат жиҳатдан бажариш учун шарт-шароит яратилган бўлиши лозим.

Тиббиёт таълим муассасалари клиникалари ва клиник ўқув базаларида навбатчилик туриш ва назоратида амалий кўникмаларни сон ва сифат жиҳатдан бажариш, беморларни курация қилиш учун шароит яратиш лозим.

Аҳоли орасида санитар оқартирув ишларни, суҳбат ва маърузаларни ўтказиш учун тегишли режаларни тузиш ва тасдиқлаш.

Назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ва компьютер технологиялари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, реферат, презентация, вазиятли масалалар, таҳлиллар, органайзерлар ва ҳ.к.ни тайёрлаш учун шароит яратиш.

Модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар тайёрлаш учун ўргатиш ишларини йўлга қўйиш.

Масофавий (дистанцион) таълимни ташкил этиш. Мустақил таълим кредитлари йиғилиши шарт.

5. Ишлаб чиқариш (малака) амалиётини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.

Ўқув йили давомида олинган билим, кўникма ва компетенцияларни такомиллаштириш, мустаҳкамлаш ва юқори даражага етказиш мақсадида ишлаб чиқариш (малака) амалиёти мутахассисликга доир марказ, бўлим, ташкилот ва ҳ.к. ташкил этилади. Амалиёт ўташ объекти сифатида, қўйилган вазифаларни бажаришга етарли материал-техник базага ва юқори малакали устозларга эга бўлган амалиёт базаси белгиланади. Клиник ординатор

(резидент)лар ишлаб чиқариш (малака) амалиёти ўқишнинг мустақил таълим қисмига киради. Ишлаб чиқариш (малака) амалиёти даврида клиник ординатор (резидент) кунма-кун ишлаб чиқариш (малака) амалиёти, тасдиқланган шаклдаги, кундалигини тўлдириб боради. Амалиёт раҳбари томонидан ҳар бир амалиёт кун даврида бажарилган ишлар ҳажми баҳоланади ва кундалик имзоланади. Амалиёт кундалигидаги маълумотлар клиник ординатор (резидент)нинг амалий кўникма ва компетенцияларга эга бўлганлик даражаси ҳақида маълумот беради. Ишлаб чиқариш (малака) амалиёти тугагандан сўнг амалиёт кундалиги охирида амалиётга жавобгар шахс томонидан клиник ординатор (резидент)нинг иши баҳоланади ва унга тавсифнома ёзилади, у муассаса муҳри билан тасдиқланади ва амалиёт кундалиги таълим муассасасига топширилади. Агар бажарилган ишни ифода этган кундалик топширилмаса, амалиёт ўтилмаган деб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш (малака) амалиётни якуний баҳолашни тузилган комиссия амалга оширади. Комиссия аъзолари таълим муассасаси ва амалиёт ўтган муассаса ходимларидан, таълим муассасаси раҳбари томонидан буйруқ асосида тузилади. Ишлаб чиқариш (малака) амалиётнинг якуний баҳолаш натижалари комиссия томонидан қайднома варақасига киритилади ва мутахассисликга жавобгар кафедра (бўлим, лаборатория ва ҳ.к.) ходими томонидан клиник ординатор (резидентнинг) рейтинг дафтарчасига тўлдирилади. Амалиётни (сабабли, сабабсиз) бажармаган клиник ординатор(резидент)лар якуний баҳолашга киритилмайди ва академик қарздор сифатида, муаммолари клиник ординатура(резидентура) бўлими ва таълим муассасаси раҳбарияти томонидан кўриб чиқилади ва индивидуал қарор қабул қилинади.

6. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

6.1. Асосий адабиётлар:

1. Лопаткин Н.А. Руководство по урологии. Медицина, 2008 г.
2. Хинман Ф. Оперативная урология. Гэотар Медицина. 2007 г
3. Даренков А.Ф. Игнашин Н.С. Ультразвуковые исследования в урологии. Медицина. 2004 г.
4. О. Л. Титинский, В. П. Александров Мочекаменная болезнь. Питер. 2016 г.
5. Тиктинский О.Л. Руководство по андрологии. Медицина. 2016 г.
6. Ежемесячный журнал Урология, Россия.
7. Аполихина И.А. Лопатина Т.В. Павлович С.В. Гиперактивный мочевой пузырь у женщин. Учебное пособие. Москва. 2017 г.
8. Акилов Ф.А. Хаджиметов Т.А. Гиперактивный мочевой пузырь – современные взгляд на этиопатогенез и возможность его медикаментозной коррекции. Ташкент. 2017 г.

9. Перепанова Т.С, Казлов Р.С., Руднов В.А., Синялова Л.А. Антимикробная терапия и профилактика инфекций почек, мочевых путей и мужских половых органов. Москва. 2018 г.
10. Неймарк А.И., Неймарк Б.А., Кондратьев Ю.С. Дизурический синдром у женщин. ГОЭТАР-Медиа. 2017 г.
11. Междисциплинарные проблемы в урологии. Руководство для врачей. Под ред, Глыбочко П.В., Аляев Ю.Г. Москва. 2015 г.
12. Вишневский Е.Л., Пушкарь Д.Н., Лоран О.Б., Данилов В.В., Вишневский А.Е. Урофлометрия. Москва. Печатный город. 2018 г.
13. Неймарк А.И., Раздорская М.В. Недержание мочи у женщин. Руководство. Библиотека врача-специалиста. ГЭОТАР-Медиа. 2018 г.
14. Аляев Ю.Г., Винаров А.З, Локшин К.Л., Выбор метода лечения больных гиперплазией предстательной железы: монография. Кострома. 2018 г.
15. Аляев Ю.Г., Винаров А.З., Газимиев М.А., Мельников А.В. Адреноблокаторы в профилактике острой задержки мочеиспускания после оперативных вмешательств. Москва. 2018 г.
16. Вахрушев Я.М. Непосредственное исследование больного. Учебное пособие. Ижевск: Экспертиза. 2018 г.
17. Лабораторные методы диагностики. Учебное пособие. Сост. Вахрушев Я.М., Шкатова Е.Ю. М.: Издательство «АНК». 2016 г.
18. Винаров А.З. Медикаментозная терапия больных с гиперплазией предстательной железы. Москва. 2017 г.
19. Ошибки и осложнения трансуретральной резекции предстательной железы при аденоме Бином. Сергиенко Н. Ф. Москва. 2018 г.
20. Яковлов С.В., Яковлев В.П. Микроорганизмы и вызываемые ими инфекционные заболевания. Современная антибиотикотерапия. 2018 г.
21. Щеплев П.А. Простатит. Издатель МЕД пресс-информ. 2018 г.
22. Рафальский В.В., Страчунский Л.С., Кречикова О.И. Резистентность возбудителей амбулаторных инфекций мочевыводящих путей по данным многоцентровых микробиологических исследований. Урология. 2017 г.
23. Набер К.Г., Перепанова Т.С., Обзор эффективности и безопасности препаратов, лечения и профилактике урогенитальных и гестационных заболеваний. 2018 г.
24. Лоран О.Б., Снякова Л., Касова И. Рецидивирующие инфекции мочевых путей. Алгоритм диагностики и лечения. 2018 г.
25. Инфекции мочевыводящих путей у беременных. Манана Джанашия. Мозговая Е. 2018 г.

26. Серов В.Н., Баранов И.И., Ткаченко Л.В., Кукарская И.И, Протопопова Н.В. Оценка опыта комбинированного растительного препарата у беременных. 2018 г.
27. Батюшин М.М., Пасечкин Д.Г. Бременность и почки. Медицинская книга 2018 г.
28. Пиелонефрит и беременность. Этиология, патогенез, классификация, клиническая картина, перинатальные осложнения. 2019 г.
29. Аляев Ю.Г., Дзеранов Н.К., Рапопорт Л.М- Современные возможности растворения уратных камней мочеточника 2019 г.
30. Газымов М.М. Роль генетических, эндокринных метаболических факторов в возникновении нефролитиаза и его лечении. 2019 г.
31. Дзеранов Н.К., Байбарин К.А. Современные подходы к оперативному лечению камней почек у пожилых людей. Урология. 2019 г.
32. Кудаев Ф.М., Барскова В.Г. Нефролитиаз у больных подагрой и показания к назначению цитратных смесей. 2017 г.
33. Трапезникова М.Ф., Уренков С.Б., Дутов В.В. Выбор метода лечения у пациентов с мочекаменной болезнью аномалийных почек. Урология-2019 г.
34. Черепанова Е.В., Дзеранов Н.К., Метофелактика мочекаменной болезни в амбулаторных условиях. Урология 2019 г.
35. Мочекаменная болезнь: клиничко-биохимические аспекты патогенеза, диагностики и лечения Бином: Авторы:Кадыров З.А., Истратов В.Г., Сулейманов С.И. и др. 2017 г.
36. Пушкарь Д.Ю., Касян Г.Р. Ошибки и осложнения в урогинекологии. ГЭОТАР-Медиа. 2017 г.
37. Хашим Х., Абдуллина И.И. Неотложные состояния в урологии. ГЭОТАР-Медиа. 2016 г.
38. Коган М.И. Стриктуры уретры у мужчин. Реконструктивно-восстановительная хирургия. Руководство Практическая медицина. 2017 г.
39. Курбатов Д. Г. Буккальная уретропластика. Медпрактика. 2016 г.
40. Вайнберг З.С. Травма органов мочеполовой системы. Медпрактика. 2016 г.

6.2. Кўшимча адабиётлар:

1. Adult and Pediatric Urology, 4th edition (January 15, 2018): by Jay Y., Md. Gillenwater (Editor), Stuart S., Md. Howards (Editor), John T., Md. Grayhack (Editor), Michael, Md. Mitchell (Editor), Bauer By Lippincott Williams & Wilkins Publishers.
2. Smith's General Urology 6th Ed (September 18, 2019): By Jack McAninch, Emil Tanagho By McGraw-Hill/Appleton & Lange
3. Manual of Urology: Diagnosis and Therapy 2nd edition: By Mike B Siroky MD, Robert D Oates MD, Richard K Babayan MD By Lippincott, Williams & Wilkins.

4. Glenn's Urologic Surgery 5th edition (September 15, 2018): By by Sam D. Graham (Editor), James F. Glenn (Editor) By Lippincott Williams & Wilkins Publishers.
5. An Atlas of Investigation and Diagnosis/UROLOGY, 2019, Edited by John L. Probert, BMedSci, DM, FRCS(Urol) Bristol Urological Institute Southmead Hospital Bristol, UK. By Clinical publishing.
6. "Questions in Daily Urologic Practice" Updates for Urologists and Diagnostic Pathologists, 2018: by Ryoichi Oyasu, Ximing J. Yang, Osamu Yoshida By Springer Publishers.
7. Urodynamics 3^d edition, 2016: by Paul Abrams By Springer Publishers.
8. Complications of Urologic Surgery and Practice, 2017, Edited by Kevin R. Loughlin. By Informa Healthcare USA publishers.
9. EAU Guidelines, 2019.
10. European Urology, Официальный журнал Европейской ассоциаций урологов.

6.3. Интернет сайтлари:

1. Urology.uz
2. Tipme.uz
3. <https://uroweb.org/>
4. Ziyonet.uz
5. Minzdrav.uz
6. British Journal of Urology- <https://www.bjuinternational.com/>
7. Current opinion in urology- <https://journals.lww.com>
8. European urology- <https://www.europeanurology.com/>
9. Journal of Endourology- <https://www.endourology.org/>
10. JAMA- <https://jamanetwork.com/>
11. The Journal of Urology -<https://www.springer.com/>
12. <https://www.elsevier.com/>